

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2025 йил март ойининг 17 куни, Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди, Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати ва Деҳқонобод туман судининг биносида, Жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод туман судининг очик суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида,

Раислик қилувчи – шу суд раиси Ш.Бахтиёров,

Судья ёрдамчиси Б.Расуловнинг котиблигида, тарафлардан Деҳқонобод туман прокурори катта ёрдамчиси С.Абдифаниев, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси-адвокат З.Ишонкулова, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси-адвокат М.Мардонов, фуқаровий даъвогар [REDACTED] нинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси, 184-моддаси 3-қисми, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланган

[REDACTED] ([REDACTED]),
– ЖШШИР: [REDACTED]),

йил 5 июлда Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, ишламайди, муқаддам:

- 1) Жиноят ишлари Қарши шаҳар судининг 2015 йил 5 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми ва 28,211-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари - 4.805.250 сўм жарима жазоси тайинланган, 2015 йил 3 декабрдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинган;
- 2) Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 2024 йил 6 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан 4 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони ўтамоқда, Қарши шаҳар, “ [REDACTED] ” МФЙ, [REDACTED] кўчаси, 2Б/21-хонадонда яшаган, 2024 йил 5 декабрда ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, “Қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 6 январда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси, 184-моддаси 3-қисми, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан айбланган

[REDACTED] ([REDACTED])
[REDACTED] йил 21 июнда Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, бўйдоқ, ишламайди, судланмаган, Қарши шаҳар, “ [REDACTED] ” МФЙ, [REDACTED] кўчаси, 5-уйда яшаган, 2024 йил 10 декабрда ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, “Қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 6 январда олган,

1-1806-2501/52-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқлари ҳамда

судланувчиларнинг охириги сўзларини тинглаб, иш бўйича тўпланган далилларни текшириб, уларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED], ноқонуний даромад орттириш мақсадида қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, ўз номига Давлат хизматлари маркази орқали 07.12.2023 йилда 2329988-сонли реестр билан Давлат рўйхатидан ўтказилган “ [REDACTED] ” МЧЖни ташкил қилишиб, сохта тадбиркорлик, яъни уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан, текин бойлик орттиришни кўзлаб, солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш орқали қўлга киритилган фойда (даромад) солиқлардан озод бўлиш (солиқларни камайтириш) ва бошқача мулкый манфаат кўришни мақсад қилишиб, сохта тадбиркорлик ташкилоти тузишган.

[REDACTED], қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, Қарши шаҳрида рўйхатдан ўтган “ [REDACTED] ” МЧЖни расмий равишда бошқариб келиб, Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодини ривожлантиришга ҳисса қўшиш каби мақсадларни кўзламасдан, турли ноқонуний йўллар билан моддий бойлик орттиришни режалаштириб, “ [REDACTED] ” МЧЖнинг қўшилган қиймат солиғи ҳисоботида товарларни (иш, хизматлар) реализация қилишдан тушадиган тушумни кўрсатмасдан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 223-моддаси талабларини бузиб, 2024 йил январь ойида 38.953.500.300 сўмлик сотилган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғидан 4.674.420.000 сўм, февраль ойида 25.960.933.400 сўмлик сотилган товарлар бўйича 2.812.800.800 сўм, жами ҳолатда 7 млрд. 487 млн. 220 минг 800 сўмлик ҳамда 2024 йил 1-чорак давомида электрон ҳисоб фактуралар асосида реализация қилинган товарлар (иш, хизматлар) ўрганилганида жамиятнинг раҳбари [REDACTED], норасмий раҳбарлари ва бошқалар жами 62.394.162.400 сўмлик товар моддий бойликларини текинга олинган мол-мулк деб эътироф этилганлиги ва белгиланган 15 фоизлик солиқ ставкасида бюджетга тўланиши лозим бўлган 9.359.124.400 сўмлик фойда солиғини, жами бўлиб 16.846.345.200 сўмлик солиқларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келишган.

[REDACTED], қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, Қарши шаҳрида рўйхатдан ўтган “ [REDACTED] ” МЧЖни расмий равишда бошқариб келиб, Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодини ривожлантиришга ҳисса қўшиш каби мақсадларни кўзламасдан, турли ноқонуний йўллар билан моддий бойлик орттиришни режалаштириб, “ [REDACTED] ” МЧЖнинг қўшилган қиймат солиғи ҳисоботида товарларни (иш, хизматлар) реализация қилишдан тушадиган тушумни кўрсатмасдан, 2024 йил январь ойида 38.953.500.300 сўмлик, 2024 йил февраль ойида 25.960.933.400 сўмлик, жами 64.914.433.710 сўмлик сотилган товарлар бўйича ҳисоб-фактуралар расмийлаштириб, тўловларни нақд пулда қабул қилиб, ўзининг банк ҳисоб рақамига кирим қилмасдан, жуда кўп миқдордаги савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган.

Судланувчи [REDACTED] ўзининг бу жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси, 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддасида назарда тутилган жиноятларни қасддан содир қилган.

Судланувчи [REDACTED] ноқонуний даромад орттириш мақсадида қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, ўз номига Давлат хизматлари маркази орқали 07.12.2023 йилда 2329988-сонли реестр билан Давлат рўйхатидан ўтказилган “[REDACTED]” МЧЖни ташкил қилишиб, сохта тадбиркорлик, яъни уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан, текин бойлик орттиришни кўзлаб, солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш орқали қўлга киритилган фойда (даромад) солиқлардан озод бўлиш (солиқларни камайтириш) ва бошқача мулкый манфаат кўришни мақсад қилишиб, сохта тадбиркорлик ташкилоти тузишган.

[REDACTED], қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, Қарши шаҳрида рўйхатдан ўтган “[REDACTED]” МЧЖни расмий равишда бошқариб келиб, Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодини ривожлантиришга ҳисса қўшиш каби мақсадларни кўзламасдан, турли ноқонуний йўллар билан моддий бойлик орттиришни режалаштириб, “[REDACTED]” МЧЖнинг қўшилган қиймат солиғи ҳисоботида товарларни (иш, хизматлар) реализация қилишдан тушадиган тушумни кўрсатмасдан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 223-моддаси талабларини бузиб, 2024 йил январь ойида 38.953.500.300 сўмлик сотилган товарлар бўйича қўшилган қиймат солиғидан 4.674.420.000 сўм, февраль ойида 25.960.933.400 сўмлик сотилган товарлар бўйича 2.812.800.800 сўм, жами ҳолатда 7 млрд. 487 млн. 220 минг 800 сўмлик ҳамда 2024 йил 1-чорак давомида электрон ҳисоб фактуралар асосида реализация қилинган товарлар (иш, хизматлар) ўрганилганида жамиятнинг раҳбари [REDACTED], норасмий раҳбарлари ва бошқалар жами 62.394.162.400 сўмлик товар моддий бойликларини текинга олинган мол-мулк деб эътироф этилганлиги ва белгиланган 15 фоизлик солиқ ставкасида бюджетга тўланиши лозим бўлган 9.359.124.400 сўмлик фойда солиғини, жами бўлиб 16.846.345.200 сўмлик солиқларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келишган.

[REDACTED], қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, Қарши шаҳрида рўйхатдан ўтган “[REDACTED]” МЧЖни расмий равишда бошқариб келиб, Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодини ривожлантиришга ҳисса қўшиш каби мақсадларни кўзламасдан, турли ноқонуний йўллар билан моддий бойлик орттиришни режалаштириб, “[REDACTED]” МЧЖнинг қўшилган қиймат солиғи ҳисоботида товарларни (иш, хизматлар) реализация қилишдан тушадиган тушумни кўрсатмасдан, 2024 йил январь ойида 38.953.500.300 сўмлик, 2024 йил февраль ойида 25.960.933.400 сўмлик, жами 64.914.433.710 сўмлик сотилган товарлар бўйича ҳисоб-фактуралар расмийлаштириб, тўловларни нақд пулда қабул қилиб, ўзининг банк ҳисоб рақамига кирим қилмасдан, жуда кўп миқдордаги савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган.

Судланувчи [REDACTED] ўзининг бу жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси, 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддасида назарда тутилган жиноятларни қасддан содир қилган.

Судланувчи [REDACTED] судда, айбига иқрорлик билдириб, танишлари [REDACTED] ва [REDACTED] лар фирма очиб, бирга фаолият кўрсатишларини айтишгани, уларни ишониб, шу ҳолатга тушиб қолгани, фирмаларни унинг номига очиб, бироқ барча ишларини ўзлари бажаришгани, [REDACTED] унга бир

ёки икки марта 1-2 млн. сўм бергани, бироқ уларнинг бирор-бир ишига аралашмагани, фирма очишда улар айтган ҳужжатларга имзо қўйиб бериб, кейин ўз ишлари билан шуғулланиб юрганлиги, фирмалар қандай фаолият билан шуғуллангани, қандай маҳсулотлар олиб-сотганлиги, унинг миқдори ва бошқа маълумотлардан хабари бўлмагани, 2024 йил февраль ойининг ўрталарида [REDACTED] унга [REDACTED] ни жинияни номида ҳам фирма борлигини, уни ҳам унинг номига ўтказишни айтгани, [REDACTED] билан бирга Қарши шаҳар Давлат хизматлари марказига боргани, унга қадар барча ҳужжатлар тайёр бўлгани, фақат имзо қўйиб бергани, [REDACTED] ва [REDACTED] чақирган вақтларда Қарши шаҳар Геолог кафедини тўғрисидаги кўп қаватли уйларнинг 1-қаватидаги идораларига бориб, овқат тайёрлаб берганлиги, ўзи ошпазлик қилгани, ҳисоб-китобли ишларни тушунмагани, унинг “[REDACTED]” МЧЖ борлигини ҳам билмагани, [REDACTED] билан бирга марта “[REDACTED]” АТга борганида [REDACTED] ни кўргани, банк ҳисоб-рақамлари ҳам [REDACTED] нинг телефонида ўланган бўлгани, фирмаларни асосан [REDACTED] бошқаргани, фирмаларнинг пул айланмасидан солиқлар келиб чиқаётганлигидан хабари бўлмагани, бу ҳақидаги хабарлар ҳам [REDACTED] ва [REDACTED] нинг телефон рақамига боргани, чунки уларнинг телефон рақамлари рўйхатдан ўтказилган бўлгани, аслида [REDACTED] нинг таклифига рози бўлиш мақсади бўлмагани, [REDACTED] унга субсидияга олинган уй-жойни 300 млн. сўм кредит пулини тўлаб беришини айтганлиги сабабли рози бўлгани, унинг номига очилган фирмалар номини аниқ билмаслиги, айнан шу сабабли Тошкент вилоятида ҳам жиноий жавобгарликка тортилиб, озодликдан маҳрум қилинган, [REDACTED] билан бирга ҳисоб рақам очиш учун Яккасарой туманидаги банкка ҳам борганлиги ёдида эканлиги, фирма, банкда ҳисоб рақами очиш билан боғлиқ ҳужжатларга имзо қўйганлиги, фақат [REDACTED] ва [REDACTED] га ишониб, улар кўрсатган ҳужжатларга имзо қўйиб берганлиги, лекин бу ишлардан моддий манфаатдор бўлмагани, шахсан ўзи ушбу фирмаларни ишлатмагани, маҳсулот олиш-сотиш билан шуғулланмагани, бирон марта солиқ ҳисоботини топшимагани, ҳисобот топшириш тартибини ҳам билмаслиги, барча ҳужжатлар, фирмалар муҳри ва электрон калитлар [REDACTED] ва [REDACTED] да бўлгани, барча фаолиятни улар амалга оширишгани, уларнинг ишига аралашмагани, фақат уларга “ошпазлик” қилиб юргани, тушуниб-тушунмай қилган ишларидан пушаймонлиги, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини инобатга олиб, енгиллик бериш ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] судда, айбига қисман иқrorлик билдириб, [REDACTED] аммасининг ўғли, қариндоши эканлиги, [REDACTED] тадбиркорлик билан шуғуллангани, 2023 йил декабрь ойида [REDACTED] унга кўнғироқ қилиб, унинг номига фирма очмоқчи эканлигини айтгани, [REDACTED] унинг акасидек бўлганлиги сабабли рози бўлгани, унга паспорт фотосуратини “Телеграмм” орқали ташлаб бергани, кейин [REDACTED] билан бирга Қарши шаҳар Давлат хизматлари марказига боришгани, тайёрланган бир неча ҳужжатларга имзо қўйиб бергани, [REDACTED] унга “тоғамга айт, ўйини кадастр ҳужжатини бериб турсин, кадастр рақамини ташлаб юборсин”-дегани, бу ҳақида отасига айтгани, отаси [REDACTED] ни ўзи билан гаплашмоқчи бўлганида, [REDACTED] “бўлди шарт эмас”-деб, отаси билан гаплашмагани, отасига [REDACTED] унинг номига фирма очаётганини айтганида, отаси “кадастр йўк”-деб айтгани, кейин [REDACTED] бошқа кадастр ҳужжатларини чақиртириб, ҳужжатлар расмийлаштиришгани, тўловни амалга оширишганидан кейин унинг телефон рақамига электрон калит келганини, уни [REDACTED] га бергани, орадан бир неча кун ўтиб, [REDACTED] келиб, паспортни олиб чиқишни, банкка боришларини айтгани, улар биргаликда “[REDACTED]”ка боришгани, унга банкка

кириш, қаерга бориш, кимга учрашишни тушунтиргани, хужжатларни ва фирма муҳрини бергани, [REDACTED] айтган хонага борганида, уларга тушликка кетишаётганини айтишгани, қайтиб чиқиб, бу ҳақида [REDACTED] га айтгани, шу вақтда [REDACTED] ни олдига давлат хизматларида уларга ёрдам берган йигит келгани, шу орадан [REDACTED] ҳам [REDACTED] ни “Спарк” машинасини бошқариб келгани, шу ерда улар ўзаро гаплашишгани, кейин [REDACTED] кетгани, тушликдан кейин яна банкка боришгани, банкда ишлайдиган бир ходим билан бирга киргани, унга паспортини ушлашиб, фотосуратга олишгани, банкда беришган хужжатларни олиб чиқиб, [REDACTED] га бергани, орадан бир неча кундан кейин [REDACTED] кўнғироқ қилиб, солиққа бориб, рўйхатдан ўтиш кераклигини айтгани, [REDACTED] берган хужжатларни олиб, Қарши шаҳар ДСИга боргани, [REDACTED] уни шу ерда кутиб тургани, [REDACTED] унга хужжатларни топишириб, “нима очасан”-деб сўрашса, “хозмак очаман деб айтишни тайинлагани, [REDACTED] берган рақам орқали солиқ ходимига кўнғироқ қилганида, солиқ идорасида ёши тахминан 50 ёшлардаги сочлари оқ оралаган кишини олдига боргани, [REDACTED] а берган хужжатларни бергани, шу ерда кутиб тургани солиқчи “бу фирмани бошлиғи ким”-деб сўрагани, унинг исм-фамилиясини айтмагани, фирмани номини билмаганлиги сабабли жим ўтиргани, шунда “Хатамов Жахонгир ким”-деб сўрагани, “мен”-деб айтгани, шунда “сен экансан-ку раҳбари, нимага гарангсирайсин”-дегани, бошқа солиқчи келиб “[REDACTED] ни қаердан танийсан”-деб сўраганида, “оддий танийман”-деб айтгани, “қаерга туради, нима иш қилади, нечанчи йилда туғилган”-деб сўраганида, “Механизаторга туради, 1994 йилда туғилган, Орзу бозорда доллар майдалайди”-деб айтгани, шунда унга “кўшилма бу болага, яхши бола эмас”-деб айтгани, кейин хужжатларни кўриб чиқиб, “бўлмайди бу, ўргатган одаминг ўзи келсин”-деб айтгани, хужжатларни олиб чиқиб, кўчада уни кутиб турган [REDACTED] га айтгани, [REDACTED] давлат хизматларида борган ўртоғини чақиргани, қора рангли “Трекер”да ўртоғи келиб, иккаласи ўзаро гаплашгани, кейин улар Қарши ёғ заводи томонга боришгани, уларни машинада кутиб тургани, кейин “Орзу” бозори олдидан сўмни АҚШ долларига алмаштириб, яна ДСИга келишгани, [REDACTED] ни ўртоғи солиқни билан алоҳида гаплашгани, кейин машина ўтириб, “солиқчи пулни олмади”-деб айтгани, [REDACTED] бошқача жойга кетганини, [REDACTED] ни таниши билан ДСИга келишгани, бироздан кейин [REDACTED] ҳам келгани, соат 18ларда солиқчилар идорасидан чиқиб кетишгани, улар “фирма очилмади, бўлмади”-деб, уни уйига қолдириб кетишгани, барча хужжатлар ва муҳрни [REDACTED] олиб қолгани, 2024 йил 14 февралда унга солиқдан кўнғироқ қилиб, унинг номидаги фирмада солиқ қарздорлиги келиб чиққанини айтишгани, уларга фирма очилмаганини айтгани, кейин [REDACTED] га кўнғироқ қилиб, бу ҳақида айтганида, [REDACTED] “ҳозир сенга телеграммадан ташлаб бераман, бу фирма сени номингда эмас”-деб айтгани, Қарши шаҳридаги “[REDACTED]” МЧЖни 14.02.2024 йилда қайта рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида МЧЖни [REDACTED] ни номига расмийлаштирилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ва паспорт нусхасини ташлаб бериб, бу ҳақида солиқчиларга айтиш ҳақида овозли хабар юборгани, шунда “[REDACTED]” МЧЖ дастлаб уни номимда расмийлаштирилиб, кейин [REDACTED] нинг номига ўтказилганини билгани, уни терговга чақиритганида [REDACTED] га кўнғироқ қилганида, [REDACTED] “фирмани ёпдириш учун Ягона дарчага борганимда бир шу одам турган экан, у менга бер деб айтди, мен ўтказиб бердим мени давримда фирмани қарзи йўқ, у одамни ўзларинг топиб олинглар деб айт” деб СМС хабар ёзгани, [REDACTED] уни чақирган ва номига фирма очган вақтда барча хужжатларни ўзи тайёрлаганини, у фақат

имзо кўйиб берганлиги, электрон калитни ҳам [REDACTED]га бергани, солиқдан рўйхатдан ўтмаганлиги сабабли унга фирма очилмаганини айтишганини, лекин кейин қандай қилиб [REDACTED]нинг номига ўтказиб юборишганини билмаслиги, фирманинг иши билан умуман шуғулланмаганини, қандай фаолият билан шуғулланишидан хабари ҳам йўқлиги, ҳисоб-китоб, пул олди-бердиларини билмаслиги, унга [REDACTED] ёки бошқа кишилар унинг номига фирма очишгани учун пул беришмагани, бундан манфаатдорлиги бўлмагани, бу ишларга алоқаси йўқлиги, тушуниб-тушунмай, қариндоши [REDACTED]га ишониб, шу ишларга аралашиб қолгани, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганини инобатга олиб, унга енгиллик бериш ҳақида кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар [REDACTED] судда, Қашқадарё вилоят солиқ бошқармаси юридик бўлими бошлиғи лавозимида ишлаши, Қарши шаҳрида рўйхатга олинган “ [REDACTED] ” масъулияти чекланган жамиятининг молиявий давр бўйича солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ўтказилган текширишда, жами 16.846.345,2 минг сўм солиқ тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келинганлиги аниқлангани, шу кунга қадар ушбу солиқ қарздорлиги тўланмаганлиги, ушбу зарарни ундириб бериш ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] судда, Қашқадарё вилоят солиқ бошқармаси солиқ аудит бўлими бош инспектори лавозимида ишлаб келаётгани, Қарши шаҳар прокуратурасининг “Хужжатли тафтиш ўтказиш ва хужжатларнинг асл нусхасини олиш ҳақида”ги қарорига асосан Қарши шаҳрида рўйхатга олинган “ [REDACTED] ” МЧЖнинг қарорда кўрсатилган молиявий давр бўйича солиқ аудити ўтказилгани, текширишда 2024 йил январь ойи кўшилган қиймат солиғига 4.674.420,0 минг сўм кўшимча ҳисоблангани, ушбу ҳисобланган суммадан олдинги солиқ аудитида аниқланиб, жамиятнинг шахсий варақ карточкасига киритилган 4.674.420,0 минг сўм ҳисобга олиниб, солиқ аудитида аниқланган суммага нисбатан фарқ чикмагани, 2024 йил февраль ойи кўшилган қиймат солиғига 2.812.800,8 минг сўм кўшимча, жами 7.487.220,8 минг сўм кўшилган қиймат солиғига кўшимча ҳисоблангани, солиқ аудитида аниқланган 2.812.800,8 минг сўмга нисбатан ҳам фарқ аниқланмагани, Солиқ аудити натижасида 2024 йил 1-чорак учун жами даромади 64.914.433,7 минг сўм, чегириладиган харажатлари 2.520.271,3 минг сўмни, солиқ солинадиган фойда 62.394.162,4 минг сўм, солиқ базаси 62.394.162,4 минг сўмдан белгиланган 15 фоиз ставкада 9.359.124,4 минг сўм фойда солиғи ҳисоблангани, жамият томонидан 2024 йил 1-чорак учун 9.359.124,4 минг сўм фойда солиғини тўлашдан бўйин товлаб келганлиги, текширишда “ [REDACTED] ” масъулияти чекланган жамияти жами 16.846.345,2 минг сўм солиқ тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганлиги аниқлангани, жамият томонидан 2024 йил январь ойида 38.953.500,3 минг сўмлик сотилган товарларини кирим хужжатлари, шунингдек февраль ойида сотилган 25.960.933,4 минг сўмлик товарларидан 23.440.662,1 минг сўмини кирим хужжатлари, жами 62.394.162,4 минг сўмлик товарларини кирим хужжатлари мавжуд эмаслиги аниқлангани, жамиятда товарларни нақд пулга сотилганлигини тасдиқловчи бухгалтерия бирламчи хужжатлари мавжуд бўлмаганлиги, жамият томонидан 9.359.124,4 минг сўмлик фойда солиғини тўлашдан бўйин товлаганлиги жамиятнинг 62.394.162,4 минг сўмлик кирим хужжатлари мавжуд бўлмаган товарлари даромадга олинмаганлиги ва фойда солиғи ҳисоботи тақдим этилмаганлиги ҳисобидан келиб чиққанлиги,

ўтказилган текшириш ва текширишда аниқланган ҳолатлар бўйича далолатнома тузилгани ҳақида кўрсатув берди.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳнинг кўрсатувларини, давлат айбловчиси ва ҳимоячининг фикрини эшитиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг жиноятлари МЧЖнинг молиявий хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган солиқ аудити хулосаси, талабнома, хабарнома, буйруқ, МЧЖнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар, тушунтириш хатлари, жавобгарликдан озод қилиш мазмун-моҳияти тушунтирилганлиги ҳақидаги баённома, сўроқ баённомалари ҳамда ишдаги бошқа далиллар билан ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] нинг бу ишларга унинг алоқаси йўқлиги, унинг номига очилган фирмалар номини аниқ билмаслиги, [REDACTED] ва [REDACTED] га ишониб, улар кўрсатган ҳужжатларга имзо қўйиб берганлиги, лекин бу ишлардан моддий манфаатдор бўлмагани, шахсан ўзи ушбу фирмаларни ишлатмагани, маҳсулот олиш-сотиш билан шуғулланмагани, бирон марта солиқ ҳисоботини топшимагани, ҳисобот топшириш тартибини ҳам билмаслиги, барча ҳужжатлар, фирмалар муҳри ва электрон калитлар [REDACTED] ва [REDACTED] да бўлгани, барча фаолиятни улар амалга оширишгани, уларнинг ишига аралашмагани ҳақидаги;

Судланувчи [REDACTED] нинг [REDACTED] уни чақирган ва номига фирма очган вақтда барча ҳужжатларни ўзи тайёрлагани, у фақат имзо қўйиб берганлиги, электрон калитни ҳам [REDACTED] га бергани, фирманинг иши билан умуман шуғулланмаганини, қандай фаолият билан шуғулланишидан хабари ҳам йўқлиги, ҳисоб-китоб, пул олди-бердиларини билмаслиги, бундан манфаатдорлиги бўлмагани, бу ишларга алоқаси йўқлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, қуйидаги тўхтамга келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасига мувофиқ, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 23-моддасида, тадбиркорлик фаолияти субъекти мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулкка нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни бажаришга ҳақли эканлиги, бунда тадбиркорлик фаолияти субъектининг ўз мулкдорлик ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслиги ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига путур етказмаслиги кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги “Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сонли қарорида, фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасдан яшириш - бу давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган тегишли солиқ ҳисоботи ҳужжатларида фойда (даромад) олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан кўрсатмаслик, шунингдек, улар мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни яшириш мақсадида фойда (даромад) келиб тушишини ҳисобга олиш тартибини бузишда;

Фойдани (даромадни) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни камайтириб кўрсатиш давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган солиқ ҳисоботи ҳужжатларида солиқ солинадиган объект миқдорига оид ахборотни била туриб пасайтириш (камайтириш) томонига ўзгартиришда;

Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бошқа тарзда қасддан бўйин товлаш солиқ тўловчининг давлат солиқ хизмати органларига солиқ ҳисоботи ҳужжатларини ёки солиқ қонунчилигига мувофиқ тақдим этилиши шарт бўлган бошқа ҳужжатларни қасддан тақдим этмаслик ёки солиқ ҳисоботи тақдим этилганидан сўнг содир этилган, солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида тўлов қобилиятсизлиги ҳолатини сунъий равишда вужудга келтиришга қаратилган қилмишларда ифодаланиши ҳақида тушунтириш берилган.

Қонун мазмунига кўра, товарлар реализация қилинганлиги факти ҳужжат билан тасдиқланганда товарларни реализация қилишдан тушган тушум суммасини ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаслиги, товарлар реализация қилинганлиги факти тўғрисида депозит берувчи ҳужжатлар алмаштирилганлиги, сохталаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги ҳамда ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиг - товарларни реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб эътироф этилади.

Бозор муносабатларининг бугунги ривожини ҳамда инсофли тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш зарурати иқтисодий соҳадаги қонунга ҳилоф ҳаракатларга қарши курашишни, “хуфёна иқтисодиёт”га, шу жумладан солиқдан қочиш билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш бўйича тизимли ишларни кучайтиришни талаб этмоқда.

Иш ҳолатларига кўра, [REDACTED] ва [REDACTED] лар қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахслар билан олдиндан жинойий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашиб, Қарши шаҳрида рўйхатдан ўтган “[REDACTED]” МЧЖни расмий равишда бошқариб келиб, бир гуруҳ бўлишиб, Республикада тадбиркорлик субъектларига тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун имтиёз ва преференциялар берилаётганидан ғараз ва паст мақсадлари йўлида фойдаланишиб, сохта тадбиркорлик, яъни уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан, текин бойлик орттиришни кўзлаб, солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш орқали кўлга киритилган фойда (даромад) солиқлардан озод бўлиш (солиқларни камайтириш) ва бошқача мулкрий манфаат кўришни мақсад қилишиб, сохта тадбиркорлик ташкилоти тузишган, шунингдек МЧЖнинг қўшилган қиймат солиғи ҳисоботида товарларни (иш, хизматлар) реализация қилишдан тушадиган тушумни кўрсатмасдан, масофавий банк операцияларини бошқариш мақсадида банк муассасаларида очилган “мобиле-банкнинг” дастури орқали жамиятлар ҳисоб рақамидаги пул маблағларини бошқа корхона ва муассасаларга ўтказилишини бажариш учун шароит яратиб бериб, жамиятлар ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари бошқа корхона ва муассасаларга ўтказилиши тўхтаб қолмаслигини таъминлашиб, солиқ тўловларини яшириш мақсадида жамиятнинг улушини ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан кўпайтиришни режалаштиришиб, аслида бўлмаган жуда кўп миқдордаги маҳсулотлар омборда (аслида омборнинг ўзи бўлмаган) борлиги ҳақидаги қалбаки ҳужжатларга асосан солиқ бошқармасига топширилган ҳисоботларда товарларни (иш, хизматлар) реализация қилишдан тушадиган тушумни кўрсатмасдан, сотилган товарлар бўйича ҳисоб-фактуралар расмийлаштириб, тўловларни нақд пулда қабул қилиб, банк ҳисоб рақамига кирим қилмасдан, жуда кўп миқдордаги савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлар.

Дастлабки тергов давомида иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилган, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисобланиши, ундирилиши, қўшилган қиймат

солиғининг келиб чиқиши ва ҳисобланиши ҳамда ундирилиши билан боғлиқ ҳолатлар бўйича тўлақонли тафтиш ҳаракатлари ўтказилган ва аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED]нинг жиноятлари тасдиқланганлиги ҳақидаги асослантирилган хулосага келган.

Суд, тафтиш хулосасини ишда тўпланган бошқа далиллар билан биргаликда унинг асосийлиги ва белгиланган процессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳолаб, исбот қилишда фойдаланиш мумкин бўлган мақбул далил деб ҳисоблайди.

Қонун талабларига кўра, биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарорини ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг содир этилган жиноят ҳақидаги хабарини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида солиқлар ва йиғимлар, шу жумладан, пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилиниши лозим.

Иш ҳолатларига кўра, тафтиш давомида аниқланган ҳолатлар юзасидан судланувчиларга ўттиз кун ичида солиқлар ва йиғимлар, шу жумладан, пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қоплаш имконияти яратиб берилган. Бироқ, ушбу муддат давомида тафтиш хулосасига нисбатан аниқлик киритиш юзасидан бирор-бир муурожаат қилинмаган, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўла ёки қисман қоплаш бўйича бирор-бир ҳаракат қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28-моддасига кўра, жиноятни бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам жиноят иштирокчилари деб топилади ва 30-моддасига мувофиқ, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Қонун мазмунига кўра, ёрдамчилик жиноят содир этаётган аниқ бир шахсга кўмаклашишдан иборат бўлган ҳаракат бўлиб, субъектив томонидан – ёрдамчи биргаликда содир этилаётган жиноятнинг фактик ҳолатларини, ўз ҳаракатлари билан муайян шахсга қилмишни содир этишда кўмаклашаётганини, ўзининг ҳаракатлари бажарувчи томонидан содир этилган жиноят билан сабабий боғланишда эканлигини ва бунинг натижасида у жиноятни амалга оширишда бажарувчи билан бирга иштирок этаётганлигини англайди, келиб чиқадиган жиноий оқибатни олдиндан кўра билиб, унинг юз беришини истайди ва бунга онгли равишда йўл кўяди.

Иш ҳолатларига кўра, судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED]лар жиноятнинг фактик ҳолатларини англаганлар (*барча ҳужжатларни ихтиёрий имзолаб берганлар, электрон калитни бошқа шахсларга тақдим қилганлар*), келиб чиқадиган жиноий оқибатни олдиндан кўра билиб, унинг юз беришини истаганлар ва бунга онгли равишда йўл кўйганлар.

Маълумки, шахсий имзо - амалий ҳужжатнинг ажралмас қисми бўлиб, шартномалар, ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатларнинг бош тасдиқловчи элементидир. Имзо – тегишли ҳужжатларни имзолашга ваколатли шахснинг ўз қўли билан кўйган қайди ҳисобланади. Ҳар қандай расмий ҳужжатнинг аҳамиятлилиги рейтингда биринчи ўринни эгаллайди - у мавжуд бўлсагина ҳужжат тан олинади. Имзо ҳужжатни имзолаган шахсни идентификациялайди

ва унинг ҳақиқий эканлигини тасдиқлайди. Ҳужжатларни имзолаган киши унда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ва масъулиятни ўз зиммасига олади.

Судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] лар қисми алоҳида иш юритувга ажратилган шахслар билан олдиндан жиноий тил бириктириб, ўз номларига уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламаган ва текин бойлик орттириш мақсадида ташкил қилинаётган “ [REDACTED] ” МЧЖни ташкил қилиш билан боғлиқ барча расмий ҳужжатларга ўзлари имзо қўйиб берганлар, яъни, имзоланган ҳужжатлар улар томонидан идентификацияланган, уларга маълум мажбурият ва масъулиятни вужудга келтиради.

Қонун мазмунига кўра, қонун талабларини билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди.

Шу ўринда, дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] нинг ушбу ишларни бошқа шахслар амалга оширганликлари ҳақидаги важларига баҳо берилиб, 2024 йил 28 декбардаги “Жиноят ишининг бир қисмини алоҳида жиноят иши тариқасида ажратиш ва иш юритувга олиш тўғрисида”ги қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми ва бошқа моддалари билан Салахидинов [REDACTED] Самариддин ўғли ва бошқаларга оид қисми алоҳида жиноят иши тариқасида ажратилганлигини эътиборга олиш лозим бўлади.

Суд, ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла ва ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқиб, қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб, ишки ишонч бўйича далилларга баҳо бериб, судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] нинг сохта тадбиркорлик, жуда кўп миқдордаги савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш ва жуда кўп миқдордаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш жиноятини содир қилганликлари исботланган ва тасдиқланган деб ҳисоблайди.

Бундай ҳолда, судланувчиларнинг важларини асосли деб бўлмайди ва уларнинг бу важлари жиноий жавобгарликдан озод қилишга асос бўлмайди.

Жиноят ишида ифодаланган барча хулосалар асосли, ишнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ бўлиб, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текширилган, судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси, 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланилган.

Суд, қуйидагиларга асосан судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан ортикча квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги “Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сонли қарорининг 7-бандида, солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлик билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича шуни эътиборга олиш керакки, агар солиқ тўловчи субъектларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ЖК 184-моддаси диспозицияси билан камраб олинса, нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа

нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш жинояти (ЖК 192¹¹-моддаси) ва бошқарув тартибига қарши жиноятлар (ЖК 205 — 209, 227, 228-моддалари) учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] лар сохта тадбиркорлик ташкилоти тузиб, бошқа тадбиркорлик субъектлари билан тузилган шартномаларга асосан маҳсулотлар етказиб берилганлиги ва қабул қилинганлиги бўйича сохта ҳисоб-фактуралар тузиб, уларни тақдим қилиб, улардан фойдаланиб, жуда кўп миқдордаги солиқ тўловларини тўлашдан бўйин товлаганлар ва уларнинг бу ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан квалификация қилинган.

Бундай ҳолда, судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг ҳаракатларини бошқа тартибига қарши жиноят сифатида, ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисми билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди.

Шу сабабли суд, судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари ва 228-моддаси 3-қисмини чиқаришни лозим топди.

Суд, судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] га жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасидаги, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларидаги инсонпарварлик ва одиллик принциплари, 42-моддасидаги жазо тайинлаш мақсадларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қароридаги тушунтиришларига риоя қилишни лозим топади.

Жумладан, судланувчи [REDACTED] нинг айбига қисман иқроп ва пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида, ғараз мақсадларда жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, хусусияти, унинг шахси, жуда кўп миқдордаги солиқ тўловлари тўланмаганлигини, ўз навбатида, Конституциянинг 63-моддасига кўра, солиқлар ва йиғимларни тўлаш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчи ҳисобланиши, Қонунда белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товланишнинг ижтимоий хавфлилиги солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлашга оид мажбуриятни қасдан бажармасликдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига пул маблағлари тушмай қолишига олиб келиши, солиқ тўлашдан ашаддий бўйин товланувчиларга, ўзларининг ҳаракатлари билан давлат ва жамоат манфаатларига ёки фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказган шахсларга қаттиқ жазолар қўлланилишини таъминлаш лозимлигини эътиборга олиб, енгилроқ жазо тайинлаш орқали уни ахлоқан тузалишига эришиш мумкин эмас деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси ва 184-моддаси 3-қисми билан қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш, 189-моддаси 1-қисми билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибидан, енгилроқ жазони оғирроқ жазо билан қоплаш йўли билан озодликдан маҳрум

қилиш жазоси, ЖКнин 59-моддаси 8-қисми тартибида, узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони манзил-колонияларда ўташни белгилашни, жазо муддатини илгариги ҳукм бўйича қамоққа олинган кундан, яъни 2024 йил 29 февралдан бошлаб ҳисоблашни, унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасини аслича қамоқда қолдиришни;

Судланувчи []нинг айбига қисман иқрор ва пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида, ғараз мақсадларда жиноят содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси, хусусияти, унинг шахси, илгари судланмаганлиги, биринчи марта жиноят содир қилганлиги, иштирокчилик даражаси, жуда кўп миқдордаги солиқ тўловлари тўланмаганлигини, ўз навбатида, Конституциянинг 63-моддасига кўра, солиқлар ва йиғимларни тўлаш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчи ҳисобланиши, Қонунда белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлашнинг ижтимоий хавфлилиги солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлашга оид мажбуриятни қасдан бажармасликдан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига пул маблағлари тушмай қолишига олиб келиши, солиқ тўлашдан ашаддий бўйин товловчиларга, ўзларининг ҳаракатлари билан давлат ва жамоат манфаатларига ёки фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зиён етказган шахсларга қаттиқ жазолар қўлланилишини таъминлаш лозимлигини эътиборга олиб, енгилроқ жазо тайинлаш орқали уни ахлоқан тузалишига эришиш мумкин эмас деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси ва 184-моддаси 3-қисми билан қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш, 189-моддаси 1-қисми билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида, енгилроқ жазони оғирроқ жазо билан қоплаш йўли билан озодликдан маҳрум қилиш жазоси, жазони манзил-колонияларда ўташни белгилашни, жазо муддатини қамоққа олинган кундан бошлаб ҳисоблашни, унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасини аслича қамоқда қолдиришни;

Судланувчилар [] ва []дан солидар (шерикчилик) тартибида, Қарши шаҳар ДСИ фойдасига 16.846.345.200 сўм ундиришни, ашёвий ва ёзма далил деб эътироф қилинган МЧЖ раҳбари [] билан “ [] ХАБ Қарши филиали ўртасида тузиилган банк ҳисоб-варак шартномаси, имзо намуналари қўйилган варак, ариза асли, тинтув тергов ҳаракати ва []ни сўроқ қилиш баённомаси тасвири туширилган ДВД дискларни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-474, 478, 497¹-497⁴ ва 498-501-моддаларига риоя қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

1) [] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси, 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилсин.

[]га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси билан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

[]га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан 4 йил 7 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

█ га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

█ га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида, енгилроқ жазони оғирроқ жазо билан қоплаш йўли билан 4 йил 7 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

█ га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида, 4 йил 8 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони манзил-колонияларда ўташ белгилансин. Жазо муддати 2024 йил 29 февралдан бошлаб ҳисоблансин. Унга нисбатан қўлланилган “Қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

2) █ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси, 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилсин.

█ га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 179-моддаси билан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

█ га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

█ га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

█ га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59, 61-моддалари тартибида, енгилроқ жазони оғирроқ жазо билан қоплаш йўли билан 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони манзил-колонияларида ўташ белгилансин. Жазо муддати 2024 йил 10 декабрдан бошлаб ҳисоблансин. Унга нисбатан қўлланилган “Қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

█ ва █ дан солидар (шерикчилик) тартибида, Қарши шаҳар ДСИ фойдасига 16.846.345.200 сўм ундирилсин.

Ашёвий ва ёзма далил деб эътироф қилинган МЧЖ раҳбари █ билан “█ ХАБ Қарши филиали ўртасида тузиилган банк ҳисоб-варақ шартномаси, имзо намуналари қўйилган варақ, ариза асли, тинтув тергов ҳаракати ва █ ни сўроқ қилиш баённомаси тасвири туширилган ДВД дисклар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар, ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида, шу суд орқали Қашқадарё вилоят суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса, кассация тартибида шикоят ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Ш. Бахтиёров